

## Иёс ибн Муовиянинг зийраклиги

Image not found or type unknown



08:00 / 21.09.2020 1560

Солиҳ ибн Аҳмад Ижлий отасидан ривоят қилади: «Иёс ибн Муовиянинг олдига учта аёл кириб келди. У ҳузурига кирган аёлларнинг биринчиси эмизикли, иккинчиси бокира, учинчиси эса бева эканини айтди. Улар ҳайрон қолиб, буни қаердан билганини сўрашди. Иёс: «Эмизикли аёл ўтирмади, қўли билан кўрагини тўсиб олди. Бокира ҳеч кимга қарамади. Бева эса кириб, ўнгу сўлга қаради», деди».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**